
Ҳар бир мурожаат эътиборда: Ўзбекистон туманидаги 2 та қишлоққа светофор ўрнатилади

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги томонидан ҳудуд аҳолисининг турли масалалардаги мурожаатлари, таклиф ва муаммоларига сифатли ечим топишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Тумандаги “Ўқчи” ва “Авфон” маҳаллаларидаги бир гуруҳ фуқаролар бир муддат аввал туман ҳокимлигидан ўз қишлоқларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ёшу-қарига қулайлик яратиш мақсадида светофор ўрнатиш зарурлигини таъкидлаб мурожаат қилган эди.

Ҳар икки қишлоқ аҳолисининг мурожаатлари туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, амалий тадбирлар олиб борилди. Хусусан, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда Фарғона йўллардан фойдаланиш УКнинг тегишли хулосалари олинди. Бу тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланиб, regulation.gov.uz га жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муайян муддатлар оралиғида ягона интерактив порталда жамоатчилик муҳокамасида ижобий баҳоланган ушбу қарор лойиҳаси кейинчалик, адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Олиб борилган барча саъйи-ҳаракатлар натижасида Ўқчи қишлоғидан ўтувчи 4К-895 “Яйпан-Ўқчи-Шойимбек” автомобиль йўлининг 22.0 км.даги чорраҳага (Ўқчи қишлоғидаги Деҳқон бозори ҳудудига туташ чорраҳа) ҳамда Қосим Авфон қишлоғидан ўтувчи А-376 “Қўқон-Жиззах” халқаро автомобиль йўлининг 2.0 км.га (Қосим Авфон қишлоғидан Қўқон шаҳри ҳудудига ўтиш қисми) светофор ўрнатиладиган бўлинди.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бу ҳақда электрон қарорга имзо чекиб, ушбу ҳужжат “Е-қарор” тизимида жойлаштирилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-09-06 19:52:16